

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШТЕМИРОВ ОТАБЕК АБИДОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ
МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ИЛМИЙ–ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган– 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Тоштемиров Отабек Абидович

Олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини
такомиллаштиришнинг замонавий илмий-педагогик асослари 3

Тоштемиров Отабек Абидович

Современные научно-педагогические основы совершенствования физической
культуры студентов высших учебных заведений 27

Toshtemirov Otabek Abidovich

Modern scientific and pedagogical fundamentals of improving the physical culture
of students of higher education institution 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work 55

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШТЕМИРОВ ОТАБЕК АБИДОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ
МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ИЛМИЙ–ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped 1297 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эгамбердиева Турғуной Ахмаджонова
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Эркабоева Нигора Шерматовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 29 » март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс:(+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (70 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2022 йил « 19 » 03 куни тарқатилди.
(2022 йил « 19 » 03 да 3 – рақамли реестр баённомаси).



С. Т. Турғунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А. Асқарова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Э. Азимова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон саломатлиги, жисмоний баркамоллигини тадқиқ қилиш, жисмоний етукликнинг инсон ақлий ва ижтимоий фаоллигига таъсирини ўрганиш, хусусан, олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини ривожлантириш жараёнининг инновацион-педагогик моделларини ишлаб чиқишга катта аҳамият қаратилмоқда. Жисмоний маданият доирасида амалга оширилаётган ижтимоий ўзгаришлар, мутахассислар тайёрлаш ва таълим сифатига кўйиладиган талаблар тобора ўзгариб бормоқда. Бу ўзгаришлар талабаларининг касбий тайёргарлиги ва жисмоний жиҳатдан яхлит ривожланишининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса, жамиятда ижтимоий-педагогик муҳитни соғломлаштириш, талаба-ёшларни маънавий ҳамда жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш вазифасининг долзарблигини кўрсатади.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида талабалар жисмоний маданиятини ривожлантириш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хорижий давлатларнинг илмий-методик адабиётларида жисмоний маданиятга аксиологик муносабатни таркиб топтириш орқали талабаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда жисмоний соғломлигига устуворлик бериш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Шунингдек, талабаларда соғлом турмуш маданияти ва жисмоний сифатларни таркиб топтириш орқали “жисмоний иммунитет”ни ривожлантириш зарурати ҳам алоҳида долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний маданиятини ривожлантириш, жисмоний чиниқтириш, жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланишга қизиқишни ошириш ва ўз имкониятларини намоён қилишлари учун шарт-шароитларни яратиб беришга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда талабаларда жисмоний маданиятни ривожлантиришнинг инновацион шакллари жорий этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият эга. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясида «Миллатнинг саломатлигини – барча ёшдаги аҳолининг соғлом дунёқарашини, жисмоний, маънавий-интеллектуал саломатлигини асраш, жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу эса, аксиологик ёндашув асосида жисмоний маданият тушунчасининг моҳияти ва унинг назарий-методолик асосларини очиб бериш, аудитория ва аудиториядан ташқари жисмоний машғулотлар ўртасидаги ўзаро интеграцияни қарор топтириш орқали талабаларда жисмоний маданиятни шакллантириш моделини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 23 декабрь.

стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли, 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4956-сонли, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5368-сонли, 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6099-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожланишнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда талаба-ёшларда жисмоний маданиятни ривожлантиришга қаратилган педагогик жараённи ташкил этишга доир тадқиқотлар А.Абдуллаев, Ш.Хонкелдиев, А.Атаев, Ф.Керимов, И.Кошбахтиев, Р.Саломов, Т.Усмонхаджаев, Р.Халмухамедов, Д.Шарипова, Р.Далмухамедов, Ж.Эшназаров, Р.Абдумаликов, Г.Билялова, К.Шокиржонова, К.Мухаммадев, Т.Зайниддинов, О.Л.Эрдонов, Д.Беков, Т.Юнусов, Ю.Юнусовалар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан И.Мартин, Л.П.Матвеев, В.Ильинича, О.Фадаева, З.Козбаев, В.Медведев, В.Коледа, О.Маркевич, Н.Тихонова, Ж.Харгривес, П.Вертински, О.Отравенко, А.Ветт, Э.Задарко, Ж.Юнгер, З.Барабас, Д.Браунлар талабаларнинг жисмоний маданияти, жисмоний сифатларни ривожлантириш, жисмоний ва соғлом турмуш маданиятининг ўзаро алоқадорлиги масалалари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлар Y.L.Sun, S.Samiy, S.Mahmudiy, S.Aghaiy, Y.Kochлар талаба-ёшларда жисмоний камолотни ривожлантириш, талабаларнинг жисмоний-руҳий такомиллаштириш масалаларини ўрганишган.

Бироқ, олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштириш мазмуни, ташкилий-педагогик жиҳатларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган “Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия тизимининг илмий-методик асослари” йўналишида тасдиқланган илмий-тадқиқот ишлари истиқбол режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг аксиопедагогик жараёнларини ўрганиш;

олий таълим муассасаси талабалари жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг мезонлари, шакл, усул ва воситаларини ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш;

талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети талабаларнинг жисмоний маданиятини такомиллаштириш модели, шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, педагогик тажриба, моделлаштириш, суҳбат, интервью, тест, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабалар жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг аксиопедагогик жараёнлари интернал мотивацияни қарор топтиришга йўналтирилган шахсий акме ва ўз-ўзини одатлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан адаптив алоқадорлиги репродуктивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштиришнинг мотивацион, фаолиятга доир ва аксиологик мезонлари ўз-ўзини ривожлантиришнинг ички анланганлиги, ташқи салбий таъсирларга чидамлик кўрсаткичларининг эмпирик даражаси барқарорлигини саломатликни мустаҳкамлаш технологияларининг оммабоплиги ва қулайлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштириш моделининг концептуал-мазмунли компоненти комплекс омиллар таъсирини уйғунлаштиришга йўналтирилган тарбиявий жараённинг узлуксиз маънавий тарбия тизими билан вертикал интеграциясини бўш вақтни мақбул ташкил этиш технологияси натижавийлигининг динамиклигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

жисмоний тарбиянинг «мунтазамлилик принципи» асосида талабалар жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг жамият эҳтиёжлари билан аккомодациясини таъминлашнинг педагогик шартлари ўз-ўзини тарбиялаш, ташаббускорлик, қатъиятлик, иродавийлик, интизомлилик сифатларини шакллантиришнинг шахсга йўналтирилган мониторингига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштириш босқичлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштиришга доир медиа тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган;

соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданиятнинг уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган бўш вақтни ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилган;

талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигиишда қўлланган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган назарий маълумотларни расмий манбалардан олинганлиги, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жисмоний маданият тушунчасининг моҳияти ва унинг назарий-методологик асослари очиқ берилганлиги, олий таълим муассасасидаги талабаларда жисмоний маданиятни жисмоний тарбия ва спорт асосида ривожлантириш мезонларининг асосланганлиги, аудитория ва аудиториядан ташқари жисмоний машғулотлар ўртасидаги ўзаро интеграцияни қарор топтиришнинг асосий жиҳатларини аниқланганлиги, жисмоний камолотга қадриятли муносабатни таркиб топтириш, интернал мотивацияни қарор топтиришга йўналтирилган шахсий акмени одатланиш ва ўз-ўзини одатлантириш билан уйғунлигининг таъминланганлиги, талабаларнинг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг назарий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштириш босқичлари ва етакчи кўрсаткичлари аниқлаштирилганлиги, талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштиришга доир медиа тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилганлиги, соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданиятнинг уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган бўш вақтни ташкил этиш технологияси ҳамда мазкур жараён самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаси талабаларнинг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг замонавий илмий-педагогик асосларига доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг жисмоний тарбиясини ташкил этишнинг аксиопедагогик жараёнларини жисмоний камолотга қадриятли муносабатни таркиб топтириш, интернал мотивацияни қарор топтиришга йўналтирилган шахсий акмени одатланиш ва ўз-ўзини одатлантириш билан алоқадорлигини таъминлашга доир таклиф ва тавсиялардан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Фарғона филиалининг 2019 йил 23 декабрдаги У-66-сон буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 02-07-08-2214-сон маълумотномаси). Натижада жисмоний маданиятни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар асосида мутахассисларни тайёрлаш дастурлари мазмунини бойитишга хизмат қилган;

талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштиришнинг мотивацион, фаолиятга доир ва аксиологик мезонларини аниқлаштириш, соғлом турмуш маданиятига қадриятли йўналганлик, ўз-ўзини ривожлантиришнинг ички анланганлиги, ташқи салбий таъсирларга чидамлик кўрсаткичларининг эмпирик даражаси барқарорлигини ҳисобга олишга доир таклифлар ва интегратив ёндашув асосида талабаларда жисмоний маданиятни такомиллаштириш моделидан А-1-099. «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-3005-сон маълумотномаси). Натижада, фуқаролик маданиятини такомиллаштириш орқали талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантиришга эришилган;

жисмоний тарбиянинг “мунтазамлик принципи” асосида талабалар жисмоний имкониятларини оширишга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкил этиш, амалий фаолиятда мутахассис жисмоний маданиятининг фундаментал асоси сифатида кучли жисмоний ирода билан алоқадор талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шартларини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлимининг “Олий таълим тизимида ёшларнинг соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданиятини юксалтиришнинг янгича инновацион технологиялари” мавзусидаги тарғибот тадбири методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 13 ноябрдаги 02/07-972-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг жисмоний маданиятини юксалтиришга доир тадбирларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, асосий матн 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинган, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида жисмоний маданият тушунчасининг назарий-методологик мазмун-моҳияти, олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг зарурияти, Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос педагогик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Бошқа маданият шакллари каби жисмоний маданият ҳам шахсни комплекс ривожлантирувчи тизимнинг бир қисми ҳисобланади. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўз соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга ўргатиш, спорт билан шуғулланиш орқали уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш таълимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.


Жисмоний маданият тушунчаси мутахассислар томонидан турлича таърифланган. Жумладан, профессор Л.П.Матвеев фикрича, “жисмоний маданият жамият аъзоларининг жисмоний камолотга эришишини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун махсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ҳамда улардан рационал фойдаланиш бўйича эришган ютуқлар мажмуасидир. Жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий бир қисми, унинг юксалиши, жамият ривожланишининг асосидир”².

Илмий изланишларга асосланган ҳолда қуйидаги фикрларга тўхташ мумкин: жисмоний маданият бу – баркамол шахсни шакллантиришида ва

²Матвеев Л.П. Всесторонняя физическая подготовка как условие спортивной специализации (к вопросам теории спорта): Автореферат дис. на соискание учен. степ. канд. пед. наук. Оф. сайт РГБ. Дата обращения 13 декабря 2019.

жисмонан ривожланиши (маънан-руҳан) учун шароитлар тўпламини ҳосил қилишдир.

Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни кучайтириш жамиятни мунтазамлигини таъминлаб доимий ҳолга келтириб барпо қилиш мажбурий ҳамда талаб этиладиган вазифалигининг зарурати сезиларли даражада кучаймоқда. Талаба-ёшларнинг ўз йўналишларига бўлган қизиқишлари уларнинг камол топишида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг ўрни жуда муҳим ва уни инкор этиб бўлмайди. Чунки соғлом танада интеллектуал қобилият ва салоҳият бўлади. “Жамиятда жисмоний маданият ривожланганлигининг асосий кўрсаткичи – инсонларнинг саломатлиги ва жисмоний шаклланиш даражаси, жисмоний маданиятнинг таълим ва тарбия, ишлаб чиқариш ва маиший соҳаларда, бўш вақтни тўғри ташкиллаштириш жараёнида қанчалик муҳим ўрин тутишидир”³.



1-расм. Жисмоний маданиятнинг ижтимоий фаолиятдаги вазифалари

Демак, талабаларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар қилиб тарбиялашда таълим-тарбия билан бирга жисмоний маданиятни ҳам шакллантириш зарур.

Олий таълим муассасаларида жисмоний маданият методикасини ишлаб чиқишда жисмоний маданиятнинг умумжаҳон ва ҳар бир давлат хусусий таълим тизимидаги ўрнини ўрганиш, унинг ҳар бир инсон турмуш тарзига сингиб боришининг аҳамиятини таҳлил қилишга оид кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур тадқиқот

³ЗайниддиновТ.Б. Соғлом турмуш тарзини тўғри ташкил қилишда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг педагогик фаолияти // Жисмоний тарбия ва саломатлик журнали .2019, 2(75). –Б.58.

иши доирасида жисмоний маданиятни шакллантиришнинг муҳимлиги тамойиллари таснифланди. Булар қуйидагилар:

–инсонда баркамолликни юзага чиқарувчи ва ривожлантирувчи функционал-соғломлаштирувчилик тамойили;

–инсонни ҳам руҳан, ҳам жисмонан ривожлантирувчанлик тамойили;

–жисмоний маданиятнинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлик тамойили ҳисобланади⁴.

Умуман, ёшлар жисмоний маданиятини юксалтириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ислохотлардан кўзланган мақсад жамиятни ижтимоий соғломлаштириш тамойиллари асосида олиб борилишини таъминлаш талаб этади.

Мамлакатимизнинг ривожланиш босқичида ёш авлодни ислохотларга тайёрлаш, уларни жисмоний сифатларини ошириш орқали рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш олий таълим муассасаларининг вазифаси ҳисобланади. Талаба-ёшларни жисмоний маданиятни ривожлантиришнинг ўзига хос босқичи бўлган таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади.

Бугунги кунда юртимизда талаба-ёшларда жисмоний маданият кўникмаларини шакллантириш йўлидаги муҳим ўзгаришлардан биридир.

Олий таълим муассасаси талабаларини жисмонан тарбиялаш орқали қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

1. Талабаларда жисмоний маданиятни шакллантириш ва такомиллаштиришда жисмоний ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини педагогик муаммо сифатида чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш.

2. Талабаларнинг жисмоний маданият сифатларини қарор топтиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш.

3. Талаба шахсини шакллантиришнинг таркибий қисми бўлган жисмоний маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таълим технологияси, мақбул шакл, метод ва воситаларини аниқлаш.

4. Талабаларда жисмоний маданиятни ривожлантиришдаги педагогик жараёнга, таълим тизимида хос тамойиллар ва қонуниятларини ишлаб чиқиш:

5. Талабалар жисмоний маданиятининг таркибий қисмлари бўлган жисмоний тарбия, жисмоний соғломлаштириш, жисмоний камолот, жисмоний ривожланиш, жисмоний саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзинини қарор топтиришнинг ижтимоий-педагогик мезонларини яратиш.

Олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган ҳар қандай маънавий-марифий тадбирлар – оммавий спорт мусобақалари талабаларда жисмоний маданият сифат кўрсаткичларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбирлар уларнинг жисмоний имкониятларини ошириш, такомиллаштириш ва ривожлантиришда, соғлом ва иродали инсонлар бўлиб камолга етишишларида катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юрти, ўзи

⁴Ermakov S.S., Cieslicka Mirosława, Muszkieta Radosław. Physical culture in life of Eastern- European region students: modern state and prospects of development. *Physical education of students*, 2015.№6. –S. 16–30. <http://dx.doi.org/10.15561/20755279.2015.0603>

таҳсил олаётган олий таълим муассасаси, жамоасига бўлган фахр ва ифтихор туйғуси ортади ва ҳаракатлар самарасини – ютуқ ва камчиликларни англаш кўникмаси ҳосил бўлади.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатларида туб бурилишни амалга ошириш ва уларни мазкур соҳага бўлган қизиқишларини шакллантиришда янгича ёндашувларга зарурат кузатилмоқда. Шу боис, “биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”⁵. Талабаларда жисмоний маданият сифатларини юксалтиришнинг устувор вазифаларини кўйидаги жадвал асосида эътиборингизга тақдим этамиз.



2-расм. Талабаларда жисмоний маданият сифатларини юксалтиришнинг устувор вазифалари

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.

Умуман олганда, олий таълим муассасалари талабаларида жисмоний маданият сифатларини тарбиялашнинг ижтимоий аҳамияти ҳам мавжуд. Улардан бири ўзи жисмоний маданият сифатларига эга бўлиш орқали ўз оила аъзолари, кўни-кўшни, унга ҳавас қиладиган тенқурлари ва ўзидан кичикларга соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғиб қилади. Машқларни ўргатиб, уларни жисмонан ва руҳан соғломликка ундайди ва бу ижтимоий ҳаётдаги узвий ва муттасил жараён орқали ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда ёшларда жисмоний маданият кўникмаларини шакллантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратишга вазифалар белгилаб берилди. Уларни амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Зеро, “...аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний фаоллик, тўғри овқатланиш ҳамда меҳнат қилиш, ўз вақтида дам олиш, шунингдек, гигиеник кўникмаларга риоя қилиш кабиларга қаратилган қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш аҳоли турли гуруҳлари, айниқса, талаба- ёшлар ҳаётида катта аҳамиятга эга”⁶.

Бу борада республикада бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳам имзоланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш аҳолини жисмоний ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 13 февралдаги “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистонда жисмоний ва оммавий спортни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши мамалакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги давр бошланганидан далолат беради.

Олий таълим муассасаларда замонавий педагогик методикани жисмоний тарбия дарсларида қўллаш орқали талабаларнинг жисмоний имкониятларини ошириш, руҳий ва иродавий сифатларни тарбиялаш мумкин бўлади. Ана шундай самарали таълим беришга асосланган ўқув жараёнлари талабаларнинг жисмоний фаоллигини оширишга туртки бўлади.

Таълим-тарбия ва ўқитиш жараёнинг талабаларга жисмоний маданиятга хос қуйидаги маълумотлар билан йўналтирилган ҳолда амалга оширилади:

а) жисмоний ҳаракатлар ва машқларнинг бажарилиши тўғрисидаги илмий-назарий маълумотлар;

б) ҳаракатлантиришга ва чиниқтиришга оид машқлар юзасидан назарий ва амалий маълумотлар бериш;

⁶Makhamov A.Y. The importance of the physical training in shaping health lifestyles for prospective teachers, Scientific Bulletin of Namangan State University: 2019. Volume 1: Issue 10, Article 68. <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/68>.

в) бадантарбия машқлари ёрдамида ёшларни соғломлаштириш тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтириш ва спортга қизиқишни уйғотувчи тренингларни ташкил этиш⁷.

Талабаларда жисмоний тарбия соҳаларини ва сифатларини такомиллаштиришнингилмий-амалий асосларини белгилашда куйидаги тушунчалар муҳим ўрин тутди: жисмоний қобилият, спорт иқтидори ва спорт ориентацияси каби тушунчалар муҳим ўрин тутди.

Юқори тарикқий этган дунё давлатларининг жадал ривождаги муҳим омиллардан бири уларнинг таълим тизимига алоҳида эътиборнинг мавжудлигидир, яъни, уларда таълимга эътиборнинг кучлилиги ва кўпроқ инвестициянинг киритилиши, хусусий ва давлат таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ривожланган давлатлар хусусан, АҚШ, Европа давлатлари, Япония, Корея ва Хитой, Россия давлатларида кучли спортчиларнинг етишиб чиқаётганлиги ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Мамалакатимизда ҳам сўнгги йилларда олиб борилган ислохотлар асосида, шунингдек, ривожланган давлатларнинг бундай ёндашувини миллий таълим тизимига импорт қилиш орқали юқори натижаларга эришиб келмоқда ва ёшларимизнинг жисмоний имкониятларини кашф қилишда махсус анъана ҳам шакллана бошлади.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда баркамол авлод таълим-тарбиясини кафолатловчи миллий модел яратилди. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг кўп қисмини талаба-ёшлар ташкил этади. Улар учун республикамизда спорт ва барча соҳада шароитлар яратилмоқда. Бугунги ва эртанги ҳаётимизни белгилаб берадиган, барча эзгу ишларимизни амалий ҳаёт жабҳасида рўёбга чиқарадиган ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш, интеллектуал салоҳиятли, жаҳон андозаларига жавоб берадиган ёшларни тарбиялаш масаласида қилинаётган ишларнинг миқёси беқиёс. Бу ҳам интеллектуал салоҳиятли, жисмонан соғлом бўлган авлодни тарбиялашга бўлган эътиборнинг омили бир кўриниши эканлиги шубҳасиздир.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари**», деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг педагогик механизмлари, шакл, усул ва воситалари, талабаларнинг жисмоний маданиятини такомиллаштиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.


Инсон камолоти жараёнида организмнинг қобилиятларини сақлаб қолиш, унинг фаоллигини ошириш, бузилган функцияларни тиклаш йўлида ҳар бир соҳа ўзига хос ечимларни таклиф қилади. Ҳар бир ёш даврига хос жисмоний маданият мезонларининг ишлаб чиқилиши ва бунга доир тадқиқотларнинг олиб борилиши бугунги кунда жисмоний камолотнинг

⁷Eshnazarov J. Jismoniy madaniyat tarixi va boshqarish. – Toshkent.: Fan va texnologiya. 2008. 1846.

инсоният тамаддунида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб беради.

Жисмоний маданият инсоннинг ҳаракат фаоллигига оид табиий талабларини ўртага қўяди. Бунинг учун, жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш бўйича тадбирларни ўтказишда хилма-хил жисмоний тарбия воситаларидан фойдаланиш, ўқув амалий дарсларни инновацион педагогик технологиялар асосида изчил ташкил қилиш, машғулотлар жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини фаол татбиқ қилиш керак бўлади.

Зеро, “жисмонан соғлом ва ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонгина комиллик даражасига кўтарилади, жамият тараққиётига хизмат қилишга қодир бўлган ижтимоий шахсга айланади. Демак, жамиятнинг юксак тараққиётга эришиши, ёшларнинг юксак жисмоний ва ахлоқий маданиятига боғлиқ. Чунки фозил инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг соф инсоний фазилатларини йўқотмайди. Бу эса ўзида жисмоний ва ахлоқий сифатларнинг мужассамлашганлигидан далолат беради. Бинобарин, одамийликнинг асл маъносини ҳам юксак жисмоний ва ахлоқий хусусиятлар белгилайди, десак тўғри бўлади”⁸.



3-расм. Талабаларда жисмоний маданиятни ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолият натижалари таснифи.

Аслида инсоннинг дастлабки 10-15 йиллик ҳаёти, жисмоний тайёргарлик ҳолати, жисмоний маданиятни шакллантирувчи фундаментал

⁸Кўнғиров И.Х., Кўнғирова Ш.И. Глобаллашув шароитида баркамол авлодни жисмоний ҳамда ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил. www.interfinance.uz

қисм ҳисобланади. Болаларда жисмоний маданиятни ривожлантирувчи ўйинлар ва турли хил тўғарақлар фаолияти бунга таъсир кўрсатади. Кейинчалик талаба-ёшларда шаклланган бундай қобилиятлар маълум бир малака ва тажрибаларни барпо этиб, уларни етук мутахассис сифатида намоён қилади. Уларни инсон сифатида очиб беради ва касбий муваффақияларга эришишларига мустаҳкам асос бўлади.

Самарали педагогик технологиянинг қўллашнинг яна бир хусусияти шундаки, жисмоний маданият ва тарбия мақсадлари ифодаланган чиниқтириш ва мустаҳкамлаш машқлари, соғломлаштириш ва бадантарбия машқлари, умумий ҳаракатни шакллантирувчи машқлар орқали талабаларда соҳавий кўникмаларини ўзида мужассамлашга қизиқиш уйғотилади ва шу қизиқишни кўникма даражасига олиб чиқилади. Зеро, илғор педагогик технологиялар асосида ташкиллаштириладиган ўқув машғулотида билим олувчиларнинг фаоллигини оширувчи дидактик тизим ҳисобланади.

Кўп таъкидланганидек, олий таълимда муассасаси талабаларни жисмоний маданиятни ривожлантиришдаги бош мақсад уларни ақлан, жисмонан комил инсон қилиб тарбиялаш. Уларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва гигиеник соғлом муҳитни барпо этиш кўникмаларини шакллантиришдир. Бунинг учун «талабалар соғлом турмуш тарзига оид тиббий ва гигиеник билимларни ўзлаштиришлари, соғлом турмуш тарзини организм ривожини учун қандай таъсир этиши тўғрисида тасаввур ҳосил қилишлари зарур. Шунингдек, таълим-тарбияда гигиеник қоидаларга амал қилиш, ўзининг ва атрофдагиларнинг яшаши ва соғлигига алоҳида эътибор қаратишларини кўникма шакллантириш лозим»⁹.

Педагогикада жисмоний қобилиятлар таснифи қуйидаги кўринишга эга.



4-расм. Педагогикада жисмоний қобилиятлар таснифи.

⁹ Goncharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobilyatlarini rivojlantirish. –Toshkent, 2005.

Талабалар жисмоний маданият кўникмаларини шакллантириш жараёнида назоратни йўлга қўйишнинг муҳим босқичи ахборот технологиялардан фойдаланиш ҳисобланар экан, талаба имкониятидан келиб чиқиб, қатнашчилар гуруҳига мос келган ҳолда ахборот технологиялари назоратини ва синовларини олиб бориш ва баҳолаш имкониятларига эришиш мумкин. Электрон ахборот технологиялари талабаларни таълим жараёнининг исталган босқичида ортирилган ва эришилган жисмоний маданият кўникмаларини баҳолаб бориш имконини беради. Бундан ташқари, талабаларни жисмоний маданиятини ривожлантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга янада аниқроқ йўналтириш ишлари кўпроқ амалиёт билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уларга электрон ахборот технологиялари ёрдамида жаҳон чемпионатлари ёки Олимпиада ўйинлари жараёнларини намойиш қилиш орқали ҳам мотивация бериш, ишончли ахборот бериш мумкин.


“Спорт – турмуш тарзи” остида жисмоний тарбия ва оммавий спортни оммавийлаштириш компаниясини ташкил этиш ва ижтимоий тармоқларда илгари силжитиш, Spots.uz ахборот порталини яратиш вазифалари ҳам белгилаб олинган. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда Жисмоний тарбия ва спорт таълими асосида талабалар жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг педагогик жараён модели босқичлари аниқлаштирилди.

Мазкур фикр юритилаётган мавзу банди масалаларида мамлакатимизда ўтказиладиган уч босқичли спорт мусобақалари муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида қайд қилмоқ лозимдир. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинларини ўз ичига олган яхлит тизимнинг амалга оширилиши мамлакатимиз ёшларининг жисмоний маданиятини ўстиришдаги эволюцион тарзда ривожланаётган жараён сифатида эътироф этиш мумкин.

Тизимли ташкил этилган мазкур мусобақаларнинг учинчи босқичи бўлган “Универсиада” олий ўқув юрти талабаларининг жисмоний маданияти ривожланганлик ҳолатини, жисмоний тарбия ва спортнинг талаба-ёшлар фаолиятидаги ўрнини синовдан ўтказувчи кичик бир олимпиада эканлигига шубҳа йўқ.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида босқичма-босқич ўтказилиши режалаштирилган “Универсиада” спорт мусобақалари мезонлари, шартлари олий таълим муассасалари талабаларида жисмоний баркамоллик кўрсаткичларини аниқловчи ва унга тайёрловчи меъёрга айландики, педагогик жараёнларда ҳам талабаларни соғломлаштириш ва жисмоний тарбия асосларини ўргатиш орқали уларда жисмоний маданият кўникмаларини шакллантириш, руҳан ва жисмонан қувватли ва комил ёшларни тарбиялаш ишлари босқичма-босқич олиб борилиши мунтазамликка асосланган ҳолда йўлга қўйилди.

Жисмоний маданиятни такомиллаштиришга доира илмий изланишларда тадқиқот ишининг мақсадига эришишдаги муҳим жараён моделаштиришдир.



5-расм. Талабалар жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг педагогик модели

Хуллас, олий таълим муассасалари талабаларида жисмоний маданиятни такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида амалга ошириладиган муҳим вазифаларнинг асосийси – илғор ва самарали хорижий тажрибалар; ривожланган мамлакатлар олий таълим даргоҳларининг ва таянч олий таълим муассаса таълим-тарбия методологиясини оммалашган ҳолда қўллаш; ўзаро тажриба алмашиш билан боғлиқ амалий ишлар.

Жисмоний маданият ва жисмоний тарбия соҳасидаги яхши самарадорликка эга дунёнинг ривожланган олий даргоҳлари тажрибаларига таянган ҳолда республикамиздаги университет ва институтларда ҳам жисмоний маданият ва жисмоний тарбия дарслари талабалар хоҳиши, қизиқишига қараб (спорт ўйинлари, енгил атлетика, стол тенниси, сузиш ва бошқа) олиб бориш методикаси ишлаб чиқилиши лозим ва бу, албатта ижобий самара беради.

Диссертациянинг учинчи боби **«Олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини такомиллаштиришга оид тажриба-синов ишлари»** деб номланади. Мазкур бобда талабаларда жисмоний маданиятни ривожлантириш самарадорлигини оширувчи тажриба-синов ишларининг мазмуни ва илмий аҳамияти, жисмоний маданият кўникмаларини шакллантиришнинг самарали метод ва воситалари педагогик амалиётда тажрибадан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Олий Мажлисга Мурожаатномаси”да таъкидлаганидек: “Бугунги кунда мамлакатимизни янгиланиш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз”¹⁰.

Табиийки, мазкур вазифаларни амалга оширишда, янги кадрлар авлодини камол топтиришда, шубҳасиз, интеллектуал салоҳиятини ошириш баробарида улар жисмоний маданият кўникма ва тажрибаларига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борадаги тажрибаларнинг объектив ва ижтимоий муҳитни тўғри танланган ҳолда ўтказилиши, унинг натижаларидаги самарадорликни белгилаб беради. Шундай экан, ҳар бир диссертация ишида тажриба ишларининг олиб борилиши жуда муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади. Бунинг учун илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида муаммонинг амалдаги ҳолатини ўрганиш, мавжуд маълумотларни таҳлил этиш, муайян хулосаларга келиш, чиқарилган хулосалар асосида умумий ҳолатга баҳо беришга йўналтирилган амалий фаолият алоҳида ўрин эгаллайди.

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.- Тошкент: Ўзбекистон. 2018. 2-том,-Б. 491.

Тажриба-синов ишларининг босқичларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилинди: узвийлик, илмийлик, изчиллик, тизимлилик, мантиқийлик, ўзаро алоқадорлик ва ҳақозолар.

Тажриба ишларининг ҳар бир босқичи учун аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб, уларнинг тўла бажарилишига эътибор қаратилди.

